


## II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1 653,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 79,0 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоиз). Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 0,9 фоизни (ўсиш суръати 129,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 6,3 фоизни (ўсиш суръати 117,6 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 0,8 фоизни (ўсиш суръати 101,1 фоиз) ташкил қилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмига нисбатан фоизда)



Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 5,7 фоизга ошишини таъминлади. Агарда жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 65,8 ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)**

	Млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоизда
<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>1 653,9</b>	<b>106,7</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>15,6</b>	<b>129,1</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>улардан:</li></ul>		
тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	15,6	129,1
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1 522,1</b>	<b>105,8</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>ундан:</li></ul>		
озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	439,1	100,3
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	605,7	102,4
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	13,4	77,0
ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	39,9	92,0
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,5	91,8
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,03	106,8
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	72,9	107,7
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	83,1	123,0

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоизда</i>
--	------------------	--

металлургия саноати	49,1	114,3
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	7,5	124,6
электр ускуналарни ишлаб чиқариш	193,8	135,6
компьюторлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	16,1	117,9
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>103,4</b>	<b>117,6</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни йигишиш ва утилизация қилиш</b>	<b>12,8</b>	<b>101,1</b>

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида 18,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 6,0 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 33 та янги иш ўринлари яратилди.

#### **Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

	<i>2016 й. январь-сентябрь</i>	<i>2017 й. январь-сентябрь</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	8	17
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	4	6
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	12,0	18,6

	<i>2016 й. январь-сентябрь</i>	<i>2017 й. январь-сентябрь</i>
--	------------------------------------	------------------------------------

Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, минг АҚШ долл.	28,5	6,0
Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	43	33

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 102,5 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш хажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 63,7 фоиздан 53,8 фоизга ўсишини таъминлади.

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби (жами истеъмол товарлари ишлаб чиқарши хажсига нисбатан фоизда)**

